

МАФКУРАВИЙ БЕҚАРОРЛИК – кишилик жамиятига хос муайян хусусиятлардан бири; мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмагани, доимий бўлмагани, муқим бўлмагани каби маъноларни англатади. Бу тушунча гоҳида ижтимоий ҳаётда мафқураларнинг алмасиб туриши жараёнини изоҳлаш учун ҳам қўлланилади. Мафкуравий бекарорлик, асосан, муайян бир ҳудудда давлат тизими бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиш даврида юзага келади. Шу нуқтаи назардан олганда, М.б.ни — муайян тарихий шароитда юзага келадиган ғоявий ўзгарувчан ҳолат деб ҳам аташ мумкин. Жамиятнинг янгиланиш босқичларида одатда эски тизим, эски турмуш тарзи билан биргаликда ўша тизим мафкураси ҳам юз тубан бўлади, бундай ҳол маълум даражада мафкуравий бўшлиқни юзага келтиради. Мафкуравий бўшлиқ ва М. б. ҳамоҳанг, чунки бундай пайтда вазиятдан фойдаланиш илинжида турли ғаразли мақсадларни кўзлаган мафқуралар ҳам бош кўтарадилар. Агарда ана шундай ҳолатда эҳтиётсизликка йўл қўйилса, жамият ҳалокат ёқасига келиб қолиши мумкин. Том маънодаги М.б.ана шунда пайдо бўлади. Юзага чиққан турли бегона, ёт мафқуралар билан янгидан шаклланा�ётган миллий мафкура ўртасида муросасиз кураш боради. Бу кураш томонларнинг ўзаро вақтинчалик муваффақиятлари тарзида кечиши мумкин. Бундай бекарорлик ижтимоий ҳаётга катта салбий таъсир кўрсатади.